

# Шавкат Мирзиёев: Агар фидойи ҳоким келса, одамлар дарров сезади



Қарши шаҳрида ҳалқ депутатлари Қашқадарё вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтмоқда.

Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев иштирок этмоқда.

- Ўтган йили 11 октябрда бўлган сайловолди учрашувида, сизлар билан бирга Қашқадарёни келгуси беш йилда ривожлантириш ва аҳоли ҳаётини яхшилаш бўйича катта мақсадларни қўйган эдик, - деди Президент. - Кеча Қашқадарёни эрталабдан кечгача айланиб, одамларнинг кўзига қараб, шу режаларимизга одамлар ишоняптими, ўзгаришларни сезяптими, деб эътибор бердим. Буларни ким қиласи? Раҳбар қиласи - фидойи, ҳалқини севадиган, элни бирлаштирадиган раҳбар. Агар фидойи ҳоким келса, одамлар дарров сезади.

Давлатимиз раҳбари ҳозирги таҳликали замонда ички имкониятларга таяниш ва уларни самарали ишга солиш зарурлигини таъкидлади.

- Қаерга уддабуррон раҳбар қўйилган бўлса, натижка бўлаяпти. Қашқадарёга, З ярим миллиондан кўп аҳолиси бўлган элга раҳбар бўлиш осон эмас. Бундай раҳбар топиш ҳам осон эмас. Қашқадарёning ери бой, тупроғи унумдор, одамлари меҳнаткаш. Фақат уларни бирлаштириб, елкадош бўлиб, ҳалол ишлаш керак. Ҳокимни ҳоким қиласидиган, уни ишини кўрсатадиган шу ҳалқ. Маҳаллий депутатлар, нуронийлар, умуман, одамлар бефарқ бўлмаса, Қашқадарёning қадамлари тезлашади, - деди Шавкат Мирзиёев.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Давлатимиз раҳбари 2021 йил ноябрь ойидан буён Қашқадарё вилояти ҳокими вазифасини бажариб келаётган Азимов Муротжон Бердиалиевич номзодини вилоят ҳокими лавозимига тавсия этди.

М.Азимов 1976 йилда Қашқадарё вилояти Китоб туманида туғилган. Бухоро вилояти прокурори, Бош прокурор ўринбосари ва биринчи ўринбосари, Давлат божхона қўмитаси раиси вазифаларида ишлаган.

Халқ депутатлари, меҳнат фахрийлари, хотин-қизлар, ёшлар сўзга чиқиб, номзодни қўллаб-қувватлади. Овозга қўйиш натижаларига кўра, Муротжон Азимов Қашқадарё вилоятининг ҳокими этиб тасдиқланди.



[\*\*Манба\*\*](#)